

## XI. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2888,2 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 26917 кишига ёки 0,9% кўпайди. Шундан, 1423,2 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 49,3%) ва 1465,0 минг киши – қишлоқ жойларида (50,7 %) истиқомат қилади.

### **Тошкент вилоятининг ҳудудлари бўйича доимий аҳоли сони (2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)**

	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг ўсиши суръати, фоизда		
	жами	шу жумладан:		жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ		شاҳар	қишлоқ
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>2888,2</b>	<b>1423,2</b>	<b>1465,0</b>	<b>100,9</b>	<b>100,8</b>	<b>101,1</b>
<i>шаҳарлар:</i>						
Нурафшон	48,2	48,2	x	101,1	101,1	x
Олмалиқ	128,7	128,7	x	101,0	101,0	x
Ангрен	185,4	185,4	x	101,0	101,0	x
Бекобод	94,0	94,0	x	101,0	101,0	x
Чирчик	155,5	155,5	x	100,6	100,6	x
Оҳангарон	36,8	36,8	x	100,8	100,8	x
Янгийўл	59,6	59,6	x	100,5	100,5	x
<i>туманлар:</i>						
Оққўрғон	103,0	24,5	78,5	101,0	100,8	101,0
Оҳангарон	93,9	14,7	79,2	101,0	100,7	101,0
Бекобод	154,2	28,6	125,6	101,1	100,5	101,2
Бўйтонлиқ	166,8	94,0	72,8	100,7	100,8	100,7
Бўка	123,0	23,2	99,8	101,1	101,0	101,2
Зангиота	194,3	80,2	114,1	100,6	101,0	100,4
Қибрай	196,9	86,5	110,4	100,9	100,3	101,4
Қуйичирчиқ	105,8	25,2	80,6	100,9	100,6	101,0
Паркент	151,2	73,0	78,2	101,2	100,9	101,5
Пскент	98,9	45,1	53,8	101,0	100,8	101,1
Ўртачирчиқ	146,1	15,9	130,2	101,2	100,5	101,2
Чиноз	130,9	63,6	67,3	101,0	100,9	101,1
Юқоричирчиқ	132,3	23,0	109,3	100,9	100,9	100,9
Янгийўл	205,7	31,6	174,1	101,1	100,7	101,2
Тошкент	177,0	85,9	91,1	100,9	101,0	100,7

## 2017-2018 йил январь-сентябрда ахолининг табиий ҳаракати


	киши			ҳар 1000 кишига	
	2017 й.	2018 й. <sup>1)</sup>	ўсиш, камайши	2017 й.	2018 й. <sup>1)</sup>
Туғилганлар	40700	43137	2437	19,2	20,1
Ўлганлар	12036	12097	61	5,7	5,6
Табиий ўсиш	28664	31040	2376	13,5	14,4
Никоҳлар	15836	14123	-1713	7,5	6,6
Ажралишлар	2649	2510	-139	1,2	1,2

2018 йилнинг январь-сентябрда туғилганлар сони 43137 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (40700 киши) нисбатан 2437 тага қўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равища 20,1 промиллени ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (19,2 промилле) нисбатан 0,9 промиллека қўпайди.

Туғилиш даражасининг қўпайиши вилоятнинг Бўка туманида (20,1 дан 23,0 промиллека), Янгийўл (16,8 дан 19,1 промиллека), Оҳангарон (16,9 дан 19,0 промиллека), Нурафшон (13,9 дан 16,0 промиллека) шаҳарларида ва Зангиота (19,2 дан 21,0 промиллека) туманларида кузатилди.

### Ахолининг табиий ҳаракати коэффициенти

2018 йилнинг январь–сентябр ҳолатига (1000 аҳолига нисбатан, промилле)




<sup>1)</sup> дастлабки маълумот

**Ўлим даражаси.** 2018 йилнинг январь-сентябрда ўлганлар сони 12097 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (12036 киши) нисбатан 61 тага кўпайди. Мос равища ўлим коэффициенти 5,6 промиллени ташкил қилди (2017 йил январь-сентябрида – 5,7 промилле).

Ўлганлар сонининг камайиши Бекобод туманида (5,2 дан 4,5 промиллега), Янгийўл (8,2 дан 7,7 промиллега), Ангрен (6,1 дан 5,7 промиллега) шаҳарларида ва Пскент (5,3 дан 4,9 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 59,8 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 10,5 фоизи – ўсма касалликларидан, 8,5 фоизи – баҳтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 5,6 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 4,7 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 2,5 фоизи – инфекцион ва паразитар касалликларидан, 8,4 фоизи – бошқа касаликлардан вафот этган.

### **Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузилиши (2018 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига)**



**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2018 йилнинг январь-сентябрда ФХДЁ органларида 14123 та никоҳлар ва 2510 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 6,6 та никоҳ (2017 йилнинг тегишли даврида – 7,5та) ва 1,2 та ажралишлар (2017 йилнинг тегишли даврида – 1,2 та) тўғри келади.

**2018 йил январь–сентябрда тузилган никоҳлар ва никоҳдан  
аҷралишлар сони**

(бирликда)

	<i>Тузилган никоҳлар</i>		<i>Никоҳдан аҷралишлар</i>	
	<i>2017й.</i>	<i>2018й.</i>	<i>2017й.</i>	<i>2018й.</i>
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>15836</b>	<b>14123</b>	<b>2649</b>	<b>2510</b>
<i>шаҳарлар:</i>				
Нурафшон	201	187	62	58
Олмалиқ	825	759	209	149
Ангрен	973	803	208	111
Бекобод	534	505	131	125
Чирчиқ	682	650	215	255
Оҳангарон	189	192	52	39
Янгийўл	330	291	90	65
<i>туманлар:</i>				
Окқўрғон	665	537	107	92
Оҳангарон	464	405	61	49
Бекобод	911	817	129	118
Бўстонлиқ	863	684	105	133
Бўка	771	725	83	88
Зангиота	998	898	128	151
Қибрай	946	954	195	208
Куйичирчиқ	545	509	111	125
Паркент	897	599	95	94
Пскент	529	475	62	48
Ўртачирчиқ	880	924	139	116
Чиноз	758	727	84	105
Юқоричирчиқ	834	716	133	149
Янгийўл	1159	922	141	123
Тошкент	882	844	109	109

**Миграция.** Дастрлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича қўчиб келганлар сони 4548 кишини, шу давр мобайнида қўчиб кетганлар сони эса 5693 кишини ташкил қилди. Миграция колдиги минус 1145 кишига (2017 йилнинг шу даврида - минус 1823 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Зангиота (минус 388), Тошкент (минус 365) ва Бўстонлиқ (минус 137) туманларида кузатилди.


### 2018 йил январь-сентябрда ахолининг миграция қўрсаткичлари

(бирликда)

	Келганлар		Кетганлар		Миграция сальдоси	
	2017й.	2018й.	2017й.	2018й.	2017й.	2018й.
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>15303</b>	<b>14474</b>	<b>20244</b>	<b>18597</b>	<b>-4941</b>	<b>-4123</b>
<i>шаҳарлар:</i>						
Нурафшон	219	256	286	127	-67	129
Олмалиқ	1118	1044	1195	1022	-77	22
Ангрен	876	678	789	717	87	-39
Бекобод	617	652	580	503	37	149
Чирчик	1797	1614	1997	1561	-200	53
Оҳангарон	207	248	286	235	-79	13
Янгийўл	211	245	532	472	-321	-227
<i>туманлар:</i>						
Оққўрғон	213	205	532	510	-319	-305
Оҳангарон	353	349	648	535	-295	-186
Бекобод	351	384	878	759	-527	-375
Бўстонлиқ	566	523	1196	949	-630	-426
Бўка	344	324	756	576	-412	-252
Зангиота	1363	1167	2258	2253	-895	-1086
Қибрай	2025	2083	1952	2134	73	-51
Қуйичирчик	391	459	789	789	-398	-330
Паркент	193	219	452	369	-259	-150
Пскент	399	477	640	549	-241	-72
Ўртачирчик	1001	782	866	835	135	-53
Чиноз	366	398	732	657	-366	-259
Юқоричирчик	1224	709	924	982	300	-273
Янгийўл	740	711	641	719	99	-8
Тошкент	729	947	1315	1344	-586	-397

**Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи.** Тошкент вилояти бўйича 2018 йил январь-сентябрь ойларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1886,2 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 129,2%га ошганини кўриш мумкин. Худудлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Олмалиқ 3073,9 минг сўмни (вилоят ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 163,0 % ), Бекобод шаҳрида 2357,6 минг сўмни (125,0% ) ва Қибрай туманида 1893,0 минг сўмни (100,4%) ташкил этди. Аксинча, Бекобод туманида 1153,6 минг сўмни (61,2%) ва Оққўргон туманида 1235,7 минг сўмни (65,5%) пастлигини кўриш мумкин.

**Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи<sup>1</sup>**  
(2018 январь-сентябрь вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, %да)



<sup>1</sup> қишлоқ хўжалиги корхоналари ва кичик тадбиркорлик субъектларисиз, қайта ҳисобланган

**Худудлар бўйича ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**  
**(2018 йил январь-сентябрь, қишилоқ хўжалиги ва кичик бизнес тадбиркорлик**  
**субъектларидан ташқари, минг сўм)**

